



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

Банк-молия академияси  
ректори  
**Э.Хошимов**

\_\_\_\_\_

«\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2023 йил

**08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»  
иختисослиги бўйича таянч докторантурага мутахассислик бўйича  
кириш имтиҳони  
ДАСТУРИ**

**Тошкент-2023**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

**08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»  
иختисослиги бўйича таянч докторантурага мутахассислик бўйича  
кириш имтиҳони  
ДАСТУРИ**

**Тошкент – 2023**



**С.Элмирзаев, Ж.Турсунов, Р.Салаев, Р.Кузиев, М.Пўлатова.**  
**08.00.07 – “Молия, пул омаласи ва кредит” ихтисослиги бўйича таянч докторантурага мутахассислик бўйича кириш имтихони дастури. – Т.: Банк-молия академияси, 2023. – 33 б.**

Ушбу кириш имтихони дастури Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сонли “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ тайёрланган.

Дастур 08.00.07 – “Молия, пул омаласи ва кредит” ихтисослиги бўйича таянч докторантурага талабгорлар учун ишлаб чиқилган.

**Тақризчилар:**

- Атаниязов Ж.Ҳ. – Тошкент молия институти кафедра мудирини, и.ф.д., проф.  
Бурханов А.У. – Тошкент давлат иқтисодиёт университети, факультет декани, и.ф.д., проф.



## КИРИШ

Мунтазам равишда юқори салоҳиятли илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрланишига эришиш илм-фан ривожини, мамлакатнинг халқаро даражада эътироф этилиши, бевосита рақобатбардош олий маълумотли мутахассислар тайёрланиши кабиларда муҳим аҳамият касб этади. Бунда “Молия, пул омаласи ва кредит” ихтисослиги бўйича таянч докторантурага талабгорлар ҳам ихтисослик доирасида фанлар бўйича билимга эга бўлиш талаб этилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимининг сифати ва самарадорлигини тубдан ошириш, олий ўқув юртидан кейинги таълим соҳасини янада такомиллаштириш, илмий-тадқиқот фаолиятида ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ҳар томонлама намоён этиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида мамлакатимизда кенг кўламли ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда. Бу борада Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек “Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт”<sup>1</sup>.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиёти кўп жиҳатдан таълим тизими билан бирга молия, пул муомаласи ва кредит каби соҳалар ривожига ҳам бевосита боғлиқ. Шу боисдан молия, пул муомаласи ва кредит соҳалари бўйича илмий тадқиқот ишлари сифати ва самарадорлиги соҳани, бу борадаги илғор тажрибаларни чуқур ўрганишни талаб қилади.

08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит” ихтисослиги бўйича таянч докторантурага кириш имтиҳони дастури юқорида қайд этилган талаблардан келиб чиққан ҳолда тузилган. Дастур иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига талабгорларнинг молия, банк иши, солиқлар ва солиққа тортиш, суғурта, молия бозори, халқаро валюта-кредит муносабатлари, инвестицияларнинг назарий ва амалий жиҳатларига оид, амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар шароитида молия, пул муомаласи ва кредитнинг ўзига хос хусусиятларини атрофлича тўғри баҳолаш имконини беради.

Шунингдек, “Молия, пул муомаласи ва кредит” ихтисослигидан малакавий имтиҳон дастури молия, кредит ва пул муомаласи назариялари (пулнинг вақт бўйича қиймати концепцияси, “давлат молияси” назарияси, “арзон пуллар” назарияси, пулнинг миқдорий назарияси, пулнинг номиналлик назарияси, металл пуллар назарияси ва ҳ.к.) ва уларнинг амалиётга татбиқи масалаларини ҳам қамраб олган. Бу эса, тадқиқотчиларнинг молия, пул муомаласи ва кредитнинг назарий асослари борасидаги билимларини ҳам баҳолаш имконини беради.

Дастур 08.00.07 - «Молия, пул муомаласи ва кредит» ихтисослиги бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига талабгорлар учун кириш имтиҳонига тайёрланиш ва уни топшириш учун мўлжалланган.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасидан.



# ЎБЎЎЎ

## 1-маву. Молиянинг моҳияти ва функциялари

Молиянинг келиб чиқиши, унинг давлат ва пул-товар муносабатларини ривожлантиришдаги ўрни. Молия фанининг ривожланиши. Давлат молияси назарияси. Молия фанининг асосчилари (А.Смит, Д.Рикардо). Молиянинг иқтисодий моҳияти ва функциялари. Давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида молиянинг роли. Молиянинг моҳияти ва функциялари тўғрисида илмий қарашлар. Молиявий ресурслар. Молиянинг иқтисодий қонунлар ва иқтисодий категориялар билан ўзаро боғлиқлиги.

Ривожланаётган мамлакатларда молиянинг хусусиятлари. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида Ўзбекистон Республикасининг молияси. Иқтисодиётни тартибга солишда молиянинг роли ва тутган ўрни.

Иқтисодиётни тартибга солишда молиядан фойдаланишнинг асосий йўналишлари.

## 2-маву. Молия тизими

Молия тизими: хусусияти, соҳалари ва тармоқлари. Молиявий сиёсат. Пул ва молиявий оқимлар, уларнинг ўзаро боғлиқликлари.

Молиявий бошқарув органлари. Бошқарув механизмлари: прогнозлаштириш, режалаштириш ва назорат. Молиявий институтлар ва бозорлар, уларнинг функциялари. Молиявий бозорлар орқали ресурсларни қайта тақсимлаш хусусиятлари.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида молиянинг қайта тақсимлаш функцияси. Молиявий назорат ўтказишнинг шакллари ва усуллари. Солиқ ва божхона тизимлари. Солиқлар ва бождарни ундиришнинг молиявий-ҳуқуқий асослари.

Ўзбекистон Республикасининг молия тизими. Ўзбекистон молия тизимининг соҳалари ва бўғинлари. Молия тизими соҳа ва бўғинлари ўртасидаги молиявий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари.

Иқтисодий агентларнинг молиясини шакллантириш ва фойдаланиш механизмларининг умумий тавсифи. Уй хўжалиги молиясини тартибга солишнинг хусусиятлари.

Иқтисодий агентлар молиясини Давлат бюджети билан алоқалари. Бюджет тизимини бошқариш тамойиллари.

Харакатлар стратегиясида молия тизимини ривожлантириш борасидаги устувор вазибалар.

## 3-маву. Молиявий бошқарув механизмлари

Давлатнинг молиявий сиёсати. Молиявий сиёсатнинг асосий йўналишлари. Молиявий сиёсатни амалга оширишда давлатнинг роли. Молиявий сиёсатни амалга ошириш механизмлари. Давлат молия сиёсати, хўжалик субъектлари молия сиёсати. Молиявий сиёсат стратегияси ва тактикаси. Молияни Давлат томонидан тартибга солиш. Макро даражада молияни бошқариш. Ўтиш даврида иқтисодиётни молиявий соғломлаштириш шакллари. Молиявий механизм, унинг таркибий қисмлари ва элементлари. Молиявий дастаклар ва рағбатлантириш тизими.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида молиявий механизмларнинг қайта шаклланиши. Турли мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар молиясини бошқариш. Давлат молиявий назоратининг турлари ва уни амалга оширувчи органлар. Молиявий назоратни ташкил этиш. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида молиявий назоратнинг роли ва аҳамияти. Назорат тизими самарадорлигини ошириш йўллари. Аудиторлик назоратининг барпо этилиши ва ривожланиши. Ўзбекистон Республикасининг молиявий сиёсати. Ўзбекистон Республикасининг халқаро капиталлар бозори билан алоқалари.

## 4-маву. Бюджет тузилмаси ва бюджет тизими

Бюджетнинг хусусияти ва роли. Унитар ва федератив давлатларнинг бюджет тузилмаси ва тизими. Ўзбекистон Республикасининг бюджет тузилмаси ва тизими. Бюджет тизими фаолиятининг асосий тамойиллари. Бириктирилган ва тартибга солувчи даромадлар. Давлат



бюджети ва оила бюджетини лойиҳалаштиришдаги тафовутлар. Бюджет тизимининг алоҳида тармоқлари ўртасида даромад ва харажатларнинг тақсимланиши. Бюджет таснифининг асосий тамойиллари. Бюджет даромадлари ва харажатларининг таснифи. Бюджет дефицитини молиялаштириш манбалари таснифи. Турли даражадаги бошқарув органларининг бюджет ҳуқуқлари. Давлат қарзлари турларининг таснифи.

Тараққий этган мамлакатларда давлат қарзи ва давлат бюджети дефицитининг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг вужудга келишидаги ўрни.

Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан республикамизнинг йирик тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш, Ҳукумат, маҳаллий ҳокимияти органлари томондан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ривожини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

### **5-мавзу. Бюджет жараёни**

Ривожланган давлатларда бюджет жараёни. Бюджет жараёнининг мазмуни ва макроиқтисодий асоси. Бюджет жараёнини ташкил этиш асослари ва унинг вазифалари. Бюджет режалаштирилиши, иштирокчилари ва уни ташкил этиш тамойиллари. Бюджет жараёни босқичлари. Давлат бюджетини шакллантириш жараёни. Бюджет лойиҳасини тузиш. Қонун чиқарувчи органларда бюджетни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш. Бюджетни ижро этиш тизими ва унинг назорати. Бюджет ижроси ва уни тасдиқлаш.

### **6-мавзу. Давлат бюджети**

Давлат бюджетининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва роли. Турли иқтисодиётларда бюджет тузилмаси. Хорижий мамлакатларда Давлат бюджетининг роли. Давлат бюджети даромадларининг таркиби ва структураси. Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг таснифи. Субсидиялар, субвенциялар, дотациялар, бюджет ссудаси.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг таркиби ва структураси. Республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар. Турли даражадаги бюджетлар ўртасидаги ўзаро алоқалар. Бюджетни тузиш ва ижро этиш. Бюджет дефицити, қоплаш манбалари ва уларни тартибга солиш механизмлари. Бюджет профицити.

### **7-мавзу. Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари**

Бюджет даромадларининг структураси. Бюджет даромадларининг иқтисодий мазмуни. Солиқларнинг иқтисодий табиати ва функциялари. Республика бюджети даромадлари. Маҳаллий бюджетлар даромадлари. Ўзбекистон Республикаси субъектлари бюджетларининг даромадлари. Бюджетлараро муносабатларни ташкил этиш зарурияти.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизими. Бюджетнинг солиқсиз даромадлари. Бюджет харажатларининг мазмуни. Бюджет кредити, субсидиялари, субвенциялари, дотациялари ва инвестициялари. Резерв фонди.

Маҳаллий бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари. Маҳаллий бюджетларни субвенциядан чиқариш.

### **8-мавзу. Давлат кредити**

Давлат кредитининг зарурлиги, унинг моҳияти ва функциялари. Давлат кредитининг мазмуни ва аҳамияти. Давлат кредити шакллари. Давлат кредитини бошқариш. Давлат қарзлари таснифи. Давлат қарзининг турлари ва такомиллаштириш йўллари. Давлат қимматбаҳо қоғозлари ва уларнинг Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда ва дефицитини қоплашдаги роли.

Давлат қимматли қоғозлари бозори ва уни фоиз ставкаларини тартибга солишдаги аҳамияти. Макроиқтисодий тартибга олиш ва давлат қимматбаҳо қоғозлари бозори.

Марказий банкнинг ҳукумат кредитлари ва уларнинг пул айланмасига таъсири. Давлат кредити ва унинг Ўзбекистон Республикасидаги хусусиятлари.



Бюджетдан ташқари мақсадли фондларнинг иқтисодий моҳияти ва уларни молия тизимидаги аҳамияти. Молия тизимида бюджетдан ташқари ва бошқа тармоқлар ўртасидаги боғлиқликлар. Бюджетдан ташқари мақсадли фондларни ташкил этиш сабаблари ва уларнинг турлари. Бюджетдан ташқари мақсадли фондларни шакллантириш манбалари ва маблағлардан фойдаланиш йўналишлари.

Давлат маблағлари ҳисобидан банкларнинг капиталлашиш даражасини ошириш, кишлоқ жойларда уй-жой қурилиши ҳажмини ошириш.

### **9-мавзу. Давлат бюджети ғазна ижроси**

Ўзбекистон Республикасининг Ғазначилик тизими вазифалари. Ғазначилик тизимига юклатилган вазифаларни амалга оширишда бошқарув органлари, маҳаллий ҳокимиятлар, Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки, тижорат банклари ва бошқа ташкилотлар ўртасида ҳамкорликдаги фаолият.

Ғазначилик тизимига ўтишнинг объектив зарурлиги. Ғазначилик тизими жорий этилгандан кейинги дастлабки молиявий самаралар. Хорижий давлатларда Ғазначиликнинг асосий вазифалари. Бюджет ижросининг асосий босқичларида Давлатнинг молиявий назорати. Бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни назорат қилишда Ғазначилик органларининг асосий вазифалари. Молия ва Ғазначилик органлари вазифаларининг тақсимланиши.

### **10-мавзу. Корпоратив молия**

Корпоратив молиянинг мазмуни ва уларни ташкил этиш тамойиллари. Корпоратив молиявий муносабатлар тизими.

Корпоратив тузилмаларда молиявий менежер вазифалари. Корпоратив тузилмаларнинг молия бозоридаги фаолияти. Пул маблағларининг вақт бўйича қиймати концепцияси. Корхоналарни молиялаштириш манбалари. Қарз маблағлари ҳисобига молиялаштириш. Корпоратив молияда хорижий капитални жалб қилиш. Капитал баҳосини аниқлаш. Молиявий активлар даромадлигини баҳолаш. Риск ва даромадлиликни баҳолаш. Дивиденд сиёсати. Корпоратив бирлашишлар ва қўшиб олишлар ҳамда уларга сабаб бўлувчи ҳолатлар.

Акцияларни бирламчи (IPO) ва иккиламчи оммавий жойлаштириш (SPO). Корпоратив еврооблигациялар муомалага чиқариш ва жойлаштириш.

### **11-мавзу: Халқаро молия муносабатлари**

Замонавий глобал иқтисодиётда халқаро молиявий муносабатларнинг роли. Халқаро молиявий муносабатларнинг тартибга солиниши. Халқаро молиявий ташкилотлар. Жаҳон банки ва унинг фаолият йўналишлари. Халқаро валюта фонди ва унинг фаолият йўналишлари. Европа тикланиш ва тараққиёт банки ва унинг фаолият йўналишлари. Осиё тараққиёт банки ва унинг фаолият йўналишлари. Халқаро молиявий ташкилотлар ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари. Халқаро молия муносабатларида суверен қарзлар.

Халқаро молия бозори. Халқаро молия бозорининг валюта сектори. Халқаро кредит бозори. Халқаро фонд бозори. Халқаро суғурта бозори. Замонавий халқаро олтин бозори. Халқаро ҳосилавий молиявий инструментлар бозори. Халқаро молия бозорида секюритизация. Халқаро молиявий муносабатларда рисклар бошқариш тизимлари. Халқаро молиявий муносабатларда тўлов инфраструктураси. Халқаро молия бозорида суверен давлатлар. Минтақавий молия бозорлари. Халқаро молия бозорининг институционал таркиби. Ўзбекистон халқаро молия бозори тизимида.





## II БЎЛИМ. ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ

### 1-мавзу. Пулнинг моҳияти ва функциялари. Пулнинг келиб чиқиши

Пулнинг моҳияти ва намоён бўлиш шакллари. Пулнинг миқдорийлик назарияси. Пулнинг номиналлик назарияси. Металл пуллар назарияси. Замонавий монетаризм. Ж.М.Кейнснинг пулларга талаб ва пуллар таклифи хусусидаги назарий қарашлари.

Жамиятнинг иқтисодий ривожланишида пулнинг роли. Пулнинг пайдо бўлиши. Қоғоз пуллар. Кредит пуллари. Пулларнинг олтин билан таъминланиши. Банкноталар эмиссияси.

Ж.М.Кейнснинг "арзон пуллар" концепцияси ва унинг жаҳон молиявий инқирози шароитида қўлланилиши.

М.Фридменнинг рестрикцион пул-кредит сиёсати концепциясининг жаҳон молиявий инқирози шароитида қўлланилиши.

Ички талабни рағбатлантиришга қаратилган пул-кредит сиёсати ва уни амалга ошириш йўллари.

### 2-мавзу. Пул муомаласи

Пул муомаласи тушунчаси. «Пул айланмаси» тушунчасининг мазмуни. Пул айланмасининг таркиби: нақд ва нақдсиз пул айланмаси. Пул муомаласи қонуни. Пулга бўлган талаб ва таклиф. Пул массасининг таркиби ва динамикаси. Пул айланишининг суръати ва унинг пул массасига таъсири. Пул агрегатлари ва уларнинг тавсифи. Пулнинг қадрсизланиши ва унинг асосий сабаблари. Инфляция, сабаблари, турлари ва оқибатлари.

Ўзбекистонда инфляция ва инфляцион жараёнлар: унинг ўзига хос хусусиятлари; инфляцияга қарши кураш тадбирлари; инфляцияни юзага келтирувчи номонетар ва монетар омиллар.

Ўзбекистон Республикасида нақд пул муомаласининг ўзига хос хусусиятлари. Банкларнинг касса айланмасини прогнозлаш. Ўзбекистонда нақд пул ҳаракатини ташкил этиш ва уни назорат қилиш.

Глобаллашув шароитида жаҳон хўжалигида реал қийматга эга бўлмаган пул ҳажмининг кўпайиши сабаблари ва унинг олдини олиш йўллари.

### 3-мавзу. Пул тизими

«Пул тизими» тушунчасининг мазмуни. Пул тизимининг асосий шакллари: биметаллизм, монометаллизм, олтинга алмашинмайдиган кредит пуллари тизими. Пул тизимининг асосий элементлари. Пулнинг турлари. Қоғоз пуллар, келиб чиқиши ва қадрсизланиш сабаблари. Кредит пуллари, вексель ва вексель муомаласи. Банкноталар. Чеклар ва чек муомаласи. Пластик карточкалар. Пул эмиссияси тартиби. Пул мультимпликатори. Пулнинг харид қобилияти ва унинг барқарорлигини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси пул тизими: миллий пул бирлиги «сўм»нинг барқарорлигини мустаҳкамлаш истиқболлари.

Пул маблағларининг улкан эмиссияси натижасида муомалада ортиқча пул массасининг пайдо бўлишининг салбий оқибатлари ва унга йўл қўймаслик чоралари.

### 4-мавзу. Кредитнинг моҳияти ва функциялари

Кредитнинг моҳияти. Кредитнинг функциялари. Кредитнинг шакллари ва турлари.

Банк кредити ва унинг бозор иқтисодиёти шароитида ривожланиши. Тижорат кредити ва унинг ривожлантириш истиқболлари. Ижтимоий-йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида давлат кредити.

Ссуда капитали ва кредит. Ссуда фоизининг мазмуни ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар. Ссуда фоизининг меъёри. Пул-кредит орқали тартибга солиш тизимида марказий банкнинг фоиз сиёсати.

Ссуда капиталлари бозори. Ссуда капиталлари бозорининг моҳияти ва функциялари. Ўзбекистон Республикасида ссуда капиталлари бозорининг шаклланиши ва ривожланиши.





Тижорат банклари кредит портфелида узоқ муддатли кредитлар салмоғини янада ошириш чора-тадбирлари.

Қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини кредитлашни кучайтириш йўллари.

### **5-мавзу. Банклар ва банк тизими**

Банкларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Иқтисодиётда бозор муносабатларининг ривожланишида банклар ролининг кучайиши. Ўзбекистон Республикаси банк тизими. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»га қонуни.

Марказий банк фаолиятининг мақсади ва функциялари. Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш - Марказий банкнинг бош мақсади. Иқтисодиётни пул-кредит тизими орқали тартибга солишда Марказий банкларнинг роли.

Тижорат банклари функциялари ва турлари. Молиявий воситачилик - банкларнинг асосий фаолияти. Молия бозорларини тартибга солиш ва эркинлаштириш шароитида банклар. Банкларни таркибий ташкил этиш ва бошқариш. Банк акциядорлик корхонаси сифатида. Тижорат банкларининг Марказий банк билан ўзаро муносабатлари. Марказий банк банкларнинг банки сифатида. Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати ва уни амалга ошириш механизми.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик фаолиятларини молиявий таъминлашда тижорат банкларининг ролини янада ошириш чора-тадбирлари.

Рақамли иқтисодиёт шароитида рақамли банк хизматларини жорий этиш.

### **6-мавзу. Тижорат банкларининг ресурслари**

Тижорат банклари ресурсларининг депозитли манбалари. Тижорат банклари ресурсларининг депозитсиз манбалари. Тижорат банкларининг умумий капитали ва унинг функциялари. Умумий капиталнинг таркиби. Асосий капитал ва унинг таркиби. Қўшимча капитал ва унинг таркиби. Капитални етарли даражасини тавсифловчи молиявий коэффициентлар.

Аҳолининг пул маблағларини банкларга жалб этиш жараёнига таъсир этувчи омиллар.

Депозитларга тўланадиган фоизлар ва уларга таъсир қилувчи омиллар.

Банк хизматларининг янги турларини жорий этиш йўллари. Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банклардаги бўш пул маблағларини депозитларга жалб этишни кўпайтириш бўйича белгиланган вазифалар.

### **7-мавзу. Нақд пулсиз тўлов айланмасини ташкил қилиш асослари**

Пул айланмаси тушунчаси. Нақд пуллик ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар. Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг асосий шакллари.

– тўлов топшириқномаси билан ҳисоб-китоблар;

– тўлов талабномаси билан ҳисоб-китоблар;

– аккредитивлар билан ҳисоб-китоблар;

– инкассо бўйича ҳисоб-китоблар;

– чеклар билан ҳисоб-китоблар.

Тўлов оборотининг янги воситалари: пластик карточкалар, вексель.

Факторинг ва унинг Ўзбекистонда фойдаланиш амалиёти.

Тўловсизлик муаммосининг сабаблари, оқибатлари ва уни ҳал қилиш йўллари.

Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш шароитида тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини янада оширишнинг устувор йўналишлари.

### **8-мавзу. Кредитлаш асослари**

Хўжалик субъектларини кредитлаш – банкларнинг асосий вазифаси. Банк активлари таркибида кредитлар. Банк кредитлашининг тамойиллари. Тижорат банкларининг кредит сиёсати. Кредитлаш объектлари ва субъектлари. Қарз олувчининг кредитга лаёқатлилиги ва уни баҳолаш.



Кредитнинг қайтарилиши ва уни таъминлаш йўллари. Гаров ва гаров механизмлари. Кафолат. Кредитлашда рисклар. Фоизли риск ва унинг келиб чиқиш сабаблари. Суғурта rischi. Рискларни баҳолаш ва уларни пасайтириш йўллари.

Тижорат банкларининг кредит портфели ва улар сифатининг таснифи.

Кредит портфелини диверсификациялашнинг мақсади. Кредит портфелини диверсификациялашнинг асосий йўналишлари.

Хўжалик юритувчи субъектларни қисқа муддатли кредитлашнинг замонавий усуллари. Кредит линияларини очиб ва алоҳида ссуда счётидан кредитлашнинг тавсифлари. Контокоррент шаклида кредитлаш. Овердрафт бўйича кредитлаш. Овернайт. Ломбард кредити. Синдициялашган кредитлар. Ипотека ва ипотекали кредитлаш. Истеъмол кредити ва уни ривожлантириш истиқболлари. Микрокредитлаш ва унинг хусусиятлари. Қишлоқ хўжалик субъектларини кредитлаш ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

Муаммоли кредитлар: келиб чиқиш сабаблари ва уларни бошқариш усуллари. Кредит қайтарилмаган ҳолатларда захираларни ташкил қилиш тартиби.

Узоқ муддатли кредитлашда инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолаш.

Кредит шартномасининг мазмуни, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Иқтисодиётнинг реал сектори ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида банклар томонидан берилаётган кредитлари ҳажмини янада ошириш йўллари.

### **9-мавзу. Банкларнинг инвестицион фаолияти**

Тижорат банклари инвестицион фаолиятининг тавсифи. Тўғри ва портфелли инвестициялар. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш. Инвестицион лойиҳалар самарадорлигини иқтисодий баҳолаш. Соф дисконтли даромад. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш манбалари. Инвестицион лойиҳаларга банк кредитлари. Синдициялашган кредитлар - инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда рискларни камайтириш ва маблағлар жалб этиш усули сифатида.

Банкларнинг портфелли инвестициялари: мақсади ва вазифалари. Қимматли қоғозлар бозорида банк операциялари. Банкларнинг траст операциялари. Ўзбекистонда банкларнинг инвестицион операцияларини ривожлантириш истиқболлари.

Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш жараёнида банкларнинг фаоллигини ошириш йўналишлари. Тижорат банкларини йирик инвестиция институтларига айлантиришнинг долзарб масалалари.

### **10-мавзу. Пул-кредит орқали тартибга солиш**

Пул-кредит сиёсати – макроиқтисодий тартибга солиш воситаси сифатида. Пул-кредит орқали тартибга солишнинг Кейнсча ва монетаристик концепциялари. Макроиқтисодий тартибга солиш тизимида монетар ва фискал-бюджет сиёсати.

Пул-кредит орқали тартибга солишда Марказий банкнинг роли. Пул-кредит орқали тартибга солиш инструментлари.

Қайта молиялаш сиёсати. Қайта молиялаш ставкаси ва унинг депозит ва кредит ставкаларини шаклланишидаги роли.

Мажбурий захира сиёсати ва унинг тижорат банклари кредит салоҳиятига таъсири.

Очиқ бозор сиёсати ва унинг муомаладаги пул массасининг динамикасига таъсири.

Пул-кредит орқали тартибга солиш тизимида валюта сиёсати ва валюта орқали тартибга солиш.

Пул массаси устидан назорат. Монетар индикаторлар ва уларнинг тавсифи. Пул массасини пул бозори орқали бошқариш.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишлари.

Ички талабни молиявий рағбатлантириш, банкларнинг капиталлашиш даражасини янада ошириш, тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш бўйича белгиланган вазифалар.



## **11-мавзу. Банк ишида менежмент**

Банк фаолиятини ташкил этиш ва банкларни бошқариш тузилмаси. Банк фаолиятини тартибга солиш ва назорат. Тижорат банклари ресурсларини бошқариш.

Ликвидлиликни таъминлаш - банк ресурсларини бошқаришнинг асосий мақсади.

Банк активларини бошқариш. Активларни бошқаришнинг мақсади ва вазифалари. Тижорат банклари активларини бошқариш усуллари. Банк рисклари ва уларнинг турлари. Рискларни баҳолаш ва бошқариш усуллари. Активларни диверсификациялаш - банк рискларини камайтириш ва даромадлиликни таъминлашнинг асосий шарти сифатида.

Тижорат банки фойдаси ва рентабеллиги. Фойдани кўпайтириш йўллари. Банк фойдасини тақсимлаш. Банкнинг фоиз сиёсати. Тижорат банклари фаолиятининг молиявий кўрсаткичлари.

Тижорат банклари фаолиятида корпоратив бошқарувни такомиллаштиришнинг ўрни.

Тижорат банклари фаолиятини баҳолаш мезонларини ўзгартириш. Узоқ муддатли кредит қўйилмалари улушини ички манбаларни жалб этиш орқали ошириш йўллари.

## **12-мавзу. Банк ишида маркетинг**

Банк ишида маркетингнинг моҳияти ва хусусиятлари. Банкларнинг мақсадли бозорлари – мижозлар бозори ҳамда банк маҳсулотлари ва хизматлари бозори. Банкдаги режалаштириш тизими. Банк фаолиятининг жорий ва стратегик режаси. Стратегик режанинг мазмуни. Стратегик режалаштиришга бўлган турлича ёндашишлар. Режалаштириш босқичлари. Маркетингни режалаштириш. Режалаштириш тизимига бўлган талаблар.

Маркетингни режалаштириш. Маҳсулот стратегияси. Нарх стратегияси. Мижозларга банк маҳсулотлари ва хизматларини етказиб бериш тизими соҳасидаги стратегия. Коммуникация стратегияси. Маркетингда риск стратегияси. Риск стратегиясини ишлаб чиқиш.

Банкдаги маркетинг бўйича назорат тизими. Назорат жараёни босқичлари. Маркетинг бўйича назорат турлари. Самарали назоратнинг асосий қирралари.

Экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни кредитлаш жараёни мониторинги. Зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштиришда банк маркетингининг ролини ошириш бўйича белгиланган вазифалар.



## III БЎЛИМ. МОЛИЯ БОЗОРИ

### 1-мавзу. Замонавий иқтисодиётда молия бозорининг роли

Молия бозорининг иқтисодий моҳияти. Молия бозорининг иқтисодиётдаги аҳамиятли жиҳатлари. Молия бозорининг функциялари. Молиявий ресурслар доиравий айланишида молия бозорининг роли. Молия бозори иштирокчилари. Молия бозорида воситачилар типлари. Молия бозорининг таркибий тузилиши. Пул бозори. Капитал бозори. Қимматли қоғозлар бозори.

Молия бозори моделлари. Банк кредитлари ёрдамида молиялаштириш. Қимматли қоғозлар бозори орқали молиялаштириш. Банк модели. Молия бозорининг англо-саксон модели. Аутсайдерлик модели. Молия бозорининг ислом модели.

### 2-мавзу. Пул бозори

Пул бозорининг иқтисодий моҳияти. Пул бозорининг вужудга келиши. Пул бозорининг қўлланиш хусусиятлари. Пул бозори иштирокчилари. Давлат, тижорат банклари, корхоналар ва бошқалар пул бозори иштирокчиси сифатида. Пул бозори инструментлари: давлат қисқа муддатли қимматли қоғозлари, қайта сотиб олинувчи шартномалар, депозит сертификатлари, тижорат қоғози ва бошқалар. Давлат қисқа муддатли қимматли қоғозларининг дисконт ставкалари. Пул бозори инструментлари даромадлилиги ва рисклилиқ даражаси. Республикамизда пул бозори амал қилиш механизми. Пул бозорида қисқа муддатли кредитларнинг ажратилиш тартиби. Микроқарзлар амалиёти.

### 3-мавзу. Облигациялар бозори

Облигациялар молия бозорининг муҳим инструменти. Облигациялар эмитентлари. Облигациялар таснифланиши. Давлат облигациялари. Муниципал облигациялар. Корпоратив облигациялар ва уларни муомалага чиқариш шартлари. Суверен ва корпоратив еврооблигациялар. Муддатига кўра облигациялар турлари. Жойлаштириш шаклига кўра облигациялар турлари. Купон тўловларига кўра облигациялар турлари. Таъминланган ва таъминланмаган облигациялар. Конвертацияланувчи облигациялар. Облигациялар қиймати ва даромадлилиги.

Облигациялар муомалага чиқариш шартлари. Ўзбекистон облигациялар бозоридаги ҳолат. Халқаро облигациялар муомалага чиқариш ва жойлаштириш.

### 4-мавзу. Акциялар бозори

Акциялар ва уларнинг қўлланиш хусусиятлари. Оддий ва имтиёзли акциялар. Конвертацияланувчи имтиёзли акциялар. Акциялар акциядорлик жамиятлари фаолиятининг асоси сифатида. Акциялар бозори ўзига хос хусусиятлари. Акциялар эмитентлари. Акциялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш. Акцияларни давлат рўйхатидан ўтказиш. Акцияларни жойлаштириш. Акцияларни жойлаштиришда очик ва ёпиқ обуна. Акцияларни қайтариб сотиб олиш. Акция курси ва унга таъсир этувчи омиллар. Акциялар номинал қиймати ва бозор баҳоси. Акциялар даромадлилиги. Ўзбекистон акциялар бозори ҳолати. Имтиёзли акциялар муомалага чиқариш ва жойлаштириш. Оддий ва имтиёзли акциялар бўйича дивиденд хусусиятлари

### 5-мавзу. Ҳосилавий қимматли қоғозлар бозори

Ҳосилавий қимматли қоғозларнинг иқтисодий моҳияти ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Ҳосилавий қимматли қоғозлар молия бозори инструментлари сифатида. Ҳосилавий қимматли қоғозларнинг функциялари. Ҳосилавий қимматли қоғозлар турлари. Форвард шартномалари. Фьючерс шартномалари ва турлари. Опцион шартномалари. Опционлар турлари. Америка опционлари. Европа опционлари. Опционлар бўйича базавий



активлар. Своплар иқтисодий моҳияти. Своплар турлари. Валюта свопи қўлланиш хусусиятлари.

### **6-мавзу. Ипотека қимматли қоғозлар бозори**

Ипотека. Ипотека кредити. Ипотека кредити. Ипотека қимматли қоғозлари. Ипотека ва ипотека кредитлаш амалиётини молиявий таъминлаш. Ипотека қимматли қоғозлари таснифи ва тавсифи. Ипотека облигацияларини муомалага чиқариш ва жойлаштириш.

Ипотека бозори моделлари ва қўлланиш хусусиятлари. Анъанавий модел (битта босқичли, Европа модели) ўзига хос хусусиятлари. Ипотека бозорининг икки босқичли Америка модели амал қилиш механизми. Ссуда-жамғарма модели қўлланилиши. Республикамизда ва хорижий мамлакатларда ипотека бозори амалдаги ҳолати.

### **7-мавзу. Криптовалюталар бозори**

Крипто активлар. Криптовалюта – рақамли валюта сифатида. Криптовалюталарнинг иқтисодий моҳияти ва юридик статуси хусусидаги баҳсли ҳолатлар. Криптовалюта турлари. Криптовалюталар қўлланиш хусусиятлари. Криптовалюталар билан операциялар: сотиб олиш ва сотиш. Блокчейн технологиялари. Майнинг. Биткойн. Криптовалюталар курсига таъсир этувчи омиллар. Ўзбекистонда криптоактивлар муомаласини ташкил этиш. Мангу криставалютаси амал қилиш механизми.

### **8-мавзу. Халқаро қимматли қоғозлар бозори**

Халқаро қимматли қоғозлар иқтисодий моҳияти ва қўлланиш хусусиятлари. Халқаро қимматли қоғозлар турлари. Халқаро акциялар ва облигациялар. Евроакциялар. Еврооблигациялар. Қисқа муддатли евроқоғозлар. Евродепозит сертификатлар. Депозитар тилхатлар. Америка депозитар тилхатлари. Глобал депозитар тилхатлар. Халқаро қимматли қоғозлар бозори амал қилиш механизми. Халқаро қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчилари. Халқаро қимматли қоғозлари чиқаришда эмитентга қўйиладиган талаблар. Халқаро қимматли қоғозлар афзалликлари ва камчиликлари. Мамлакатимиздаги эмитентлар томонидан халқаро қимматли қоғозлар муомалага чиқариш.

### **9-мавзу. Қимматбаҳо металллар бозори**

Қимматбаҳо металллар бозори хусусиятлари. Валюталар бўйича олтин стандарт бекор қилинганча қимматбаҳо металллар бозори ривожланиши. Қимматбаҳо металллар бозори иштирокчилари: қазиб олувчи саноат корхоналари, қайта ишловчи саноат корхоналари, биржалар, инвесторлар, банклар, профессионал воситачилар. Олтин бозори амал қилиш механизми. Халқаро олтин бозорлари марказлари. Қимматбаҳо металллар савдосида ҳосилавий интрументлар қўлланилиши.

Олтин бўйича своплар турлари: вақт бўйича своп (молиявий своп), металлнинг сифати бўйича своп, жойлашган жойига кўра своп. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозлари шароитида олтин савдоси.

### **10-мавзу. Молия бозори таҳлили**

Молия бозори таҳлилининг ташкилий хусусиятлари. Қимматли қоғозлар таҳлили. Молия бозори фундаментал таҳлили ва унда эътибор қаратиладиган жиҳатлар. Фундаментал таҳлилга таъсир этувчи омиллар. Эмитент жорий молиявий ҳолати фундаментал таҳлили. Молия бозори техник таҳлили. Молия бозори таҳлилида трендлар. Япон шамлари турлари ва моделлари.

### **11-мавзу. Молия бозори рисклари ва портфелни бошқариш**

Молия бозори рисклари: моҳияти, асосий турлари ва баҳолаш усуллари. Бозор рисклари. Фонд rischi. Фоиз rischi. Валюта rischi. Тизимли риск ва уни аниқлаш индикаторлари. Портфел назарияси: Марковицгача ва ундан кейинги баҳолаш усуллари. Индексга боғлиқ портфел самарадорлик мезони. Молия бозори рискларини пасайтириш ва олдини олиш имкониятлари.



Портфелни бошқаришда рискларни баҳолаш амалиёти. Диверсификациялаш ва унинг портфелни бошқаришдаги аҳамияти.

### **12-мавзу. Фонд биржалари ва фонд бозори иштирокчилари**

Фонд биржаси функциялари ва ташкилий тузилмаси. Фонд биржаси фаолият принциплари. Фонд биржаларида листинг талаблари. Фонд биржаси инфратузилмаси ва биржа савдолари иштирокчилари. Инвестиция воситачиси, инвестиция маслаҳатчиси, инвестиция фонди, инвестиция активларини ишончли бошқарувчи, трансфер-агент, қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари савдоси ташкилотчиси, дилерлар, маркет-мейкерлар ва брокерлар. Фонд биржа савдолари механизмлари. Фонд биржаларида электрон савдо тизимлари. Биржа аукцион турлари. Қимматли қоғозлар депозитарийси фаолият механизми. Ҳисоб-китоб-клиринг палатаси. Тошкент РФБ. ЭЛСИС-САВДО.

### **13-мавзу. Молия бозорида банклар ва нобанк кредитинститутлари**

Молия бозорида банкларнинг иштироки. Тижорат банклари эмитент сифатида. Банклар томонидан муомалага чиқариладиган молиявий интрукментлар. Банклар молиявий воситачилар ва савдо ташкилотчилари сифатида. Банкларнинг фаол инвестор сифатидаги фаолияти. Молия бозорида нобанк кредит институтлари. Пул бозорида нобанк кредит институтлари фаолият механизми. Микрокредит ташкилотлари ва ломбардларнинг молия бозоридаги фаолияти хусусиятлари.

### **14-мавзу. Инвестиция ва пай фондлари**

Инвестиция фондларининг иқтисодий моҳияти ва юзага келиши. Инвестиция фондларининг бозор шароитидаги аҳамиятли жиҳатлари. Хорижий амалиётда инвестиция фондлари ташкилий тузилмаси. Мамлакатимизда коллектив инвестициялаш амалиётининг ташкилий-ҳуқуқий асослари. Инвестиция фондларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби. Инвестиция фондлари инвестиция портфелини диверсификациялаш. Мамлакатимизда инвестиция фондлари фаолиятининг амалий жиҳатлари. Пай фондлари ташкилий жиҳатлари ва фаолият тартиби.

### **15-мавзу. Молия бозорини тартибга солиш**

Молия бозорини тартибга солишга объектив зарурат. Молия бозорини тартибга солиш усуллари. Молия бозорида ўзини ўзи тартибга солиш. Молия бозорини давлат томонидан тартибга солиш. Молия бозорини тартибга солишда давлатнинг функциялари. Мамлакатимизда молия бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органлари. Молия бозорини тартибга солишда мегарегулятор қўлланилиши.

Мамлакатимизда молия бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органлари фаолият йўналишлари. Молия бозорини тартибга солишда Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги иштироки.





## **IV БЎЛИМ. ХАЛҚАРО ВАЛЮТА-КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИ**

### **1-мавзу. Валюта муносабатлари ва валюта тизими**

Валюта муносабатлари ва валюта тизимининг асосий хусусиятлари. Валюта тизими тушунчаси ва кўринишлари. Валюта тизимининг элементлари. Жаҳон валюта тизимининг эволюцияси. Олтиннинг функцияси ва ролини ўзгариши.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг халқаро валюта муносабатларига нисбатан салбий таъсири ва уни бартараф этиш чоралари.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг миллий валюта тизимига нисбатан салбий таъсири ва уни бартараф этиш чоралари.

Ташқи савдо айланмаси таркибини диверсификация қилиш бўйича белгиланган вазифалар.

### **2-мавзу. Валюта бозори ва валюта курси**

Валюта бозорлари: тушунчаси, функциялари ва иштирокчилари. Валюта бозорида банкларнинг роли. Валюта бозорларининг турлари. Валюта бозорларининг қатнашчилари. Бозорларнинг вақт бўйича чегаралари. Валюталаштиришнинг бошланиши ва тугаш вақти. Операцияларнинг тезлиги. Пул бозорлари. Евровалюталар бозорининг вужудга келиши ва ривожланишининг замонавий тенденциялари.

Валюта курсига таъсир этувчи ва аниқловчи омиллар. Миллий валютани конвертациялаш усуллари. Валюта муносабатларини бошқариш. Валюта сиёсати: мақсади ва шакллари. Чет эл валютаси котировкаси. Котировка услублари: тўғри ва тескари.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг валюта бозорларига нисбатан салбий таъсири ва унга барҳам бериш йўллари.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг халқаро валюта бозорларига нисбатан салбий таъсири ва уни бартараф этиш чоралари.

Инфляциянинг чуқурлашуви, муомалада таъминланмаган пулларнинг кўпайишига йўл қўймаслик чора-тадбирлари.

### **3-мавзу. Валюта операциялари ва уларнинг турлари**

Халқаро валюта бозорларидаги операцияларнинг назарий асослари. Валюта операцияларининг классификацияси. Нақд битимлар. Чет эл валютаси иштирокидаги муддатли битимлар. Форвард операцияларининг умумий тавсифи. Форвард операциялари учун белгиланган вақт. Форвард келишувларидан фойдаланиш. Форвард курсларини ҳисоблаш йўллари. Спотгача бўлган валюталаштириш куни келишувлари учун аутрайт курслари. Синиқ кунлар учун форвард курси. Форвард кросс-курслари. Форвард-форвард операциялари. Валюта своплари. Своп котировкалари. Своп келишувларидан фойдаланиш.

Конверсион операцияларининг тавсифномаси. Спот кўринишидаги операциялар. Валюта курси ва котировкалари. Bid ва Offer томонлари ҳамда валюта курслари котировкасидаги маржанинг ўлчами. Очик валюта позицияларининг кўриниши. Маржалар ва арбитражнинг конверсион операциялари. Кросс-курсларнинг механизми.

Фьючерс операцияларининг умумий тавсифи. Валюта фьючерсларининг ўзига хос хусусиятлари. Валюта фьючерслари билан операцияларни амалга ошириш механизми. Валюта фьючерсини Ўзбекистонда қўллаш муаммолари.

Пул бозоридаги депозит операцияларининг мазмуни. Фоиз ставкалари ва оддий фоиз формуласи. Фоиз ставкалари котировкаларида Bid ва Offer томонлари ва маржа. Депозит позициялари ва фоиз арбитражи. Банклараро ва мижозлар депозитлари.

Валюта бозорларида спекулятив амалиётларни ривожланишига йўл қўймаслик.

### **4-мавзу. Валюта сиёсати**



Валютани тартибга солиш ва валюта назорати. Валюта сиёсати ва уни амалга оширишда қўлланиладиган инструментлар. Валюта курсини барқарорлаштириш сиёсати. Девальвация ва ревальвацияларнинг ташқи савдога тўғри ва тескари таъсири. Ривожланаётган мамлакатлар валюта сиёсатининг умумий хусусиятлари. ХВФ валюта сиёсатига нисбатан талаблари.

Валюта сиёсатини либераллаштиришнинг миллий иқтисодий ва хорижий инвестициялар жалб қилишга таъсири.

### **5-мавзу. Валюта инқирозлари**

Валюта инқирози тушунчаси. Валюта инқирози - иқтисодий инқироз шакли сифатида. II жаҳон уруши даврида ва ундан кейинни йилларда валюта муаммолари. Бреттонвудс валюта тизими инқирози: моҳияти, сабаблари, намоён бўлиш шакллари, ривожланиш босқичлари. Европа Иқтисодий Ҳамжамиятида валюта интеграцияси муаммолари. Валюта чекловлари: сабаблари, моҳияти, шакллари. Валюта чекловларининг асосий хусусиятлари. Валюта чекловлари тараққиёти ва унинг оқибатлари. Халқаро Валюта Фонди орқали давлатлараро валюта чекловларининг бошқарилиши.

Валюта инқирози жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таркибий қисми сифатида.

Валюта инқирозига қарши кураш чоралари.

Молия бозорларида катта спекулятив операцияларнинг ривожланишига йўл қўймаслик, муомалада реал қийматга эга бўлмаган пулларнинг пайдо бўлишини олдини олиш.

### **6-мавзу. Валюта рискларидан хеджирлаш**

Чет эл валютаси иштирокидаги муддатли битимларнинг мақсади. Валюта курсининг кўтарилиши ва пасайишига таъсир этувчи омиллар. Муддатли валюта битимларидан фойдаланиш - валюта инқирозларидан ҳимоя қилиш усули сифатида. Валютавий фьючерс операциялари па уларнинг форвард операцияларидан фарқи. Опцион келишувлар. Валюта арбитражи. Валюта операциялари назорати ва уларни бошқариш.

### **7-мавзу. Тўлов баланси. Халқаро ҳисоб-китоблар**

Тўлов баланси тушунчаси, асоси ва унинг таркиби. Тўлов балансини давлатлараро бошқариш муаммолари. Тўлов балансини бошқариш моделлари ва концепцияларининг таҳлили. Халқаро ҳисоб-китоблар тушунчаси ва шартлари. Халқаро ҳисоб-китоблар формалари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.

Савдо баланси ва унинг тўлов баланси ижобийлигини таъминлашдаги роли. Мамлакат экспортининг диверсификациялашув даражасини ошириш орқали тўлов баланси ижобийлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар. Жаҳон бозорида хом-ашёни экспорт қилиш амалиётидан рақобатбардош тайёр маҳсулотларни экспорт қилиш амалиётига ўтиш.

Ўзбекистонда тўлов баланси ҳамда савдо балансининг жорий ҳолати ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар.

### **8-мавзу. Халқаро кредит муносабатлар**

Халқаро кредит иқтисодий категория сифатида. Ташқи савдода кредитнинг аҳамияти. Жаҳон бозорларидаги рақобат ва унда халқаро кредитнинг роли. Халқаро кредитнинг шартлари ва шакллари. Халқаро кредитнинг давлат томонидан бошқарилиши. Молия бозорларининг глобаллашуви, бу жараённинг салбий ва ижобий жиҳатлари.

Глобаллашувнинг халқаро кредит муносабатларига таъсири. Халқаро кредитлар бўйича қарздорлик муаммоси ва уни ҳал қилиш йўллари.

Халқаро молия-кредит ташкилотлари – Жаҳон банки гуруҳи, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки кредитларидан фойдаланишни фаоллаштириш.



### **9-мавзу. Жаҳон ва минтақавий молия институтлари**

Халқаро молия институтларининг ўмумий тавсифи. Халқаро Валюта Фонди. Жаҳон тикланиш ва тараққиёт банки. Жаҳон банкининг кредит сиёсати, унинг актив операцияларининг тавсифи. Европа ҳамжамиятининг халқаро молия институтлари.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг жаҳон молия институтлари фаолиятига нисбатан салбий таъсири ва жаҳон молия институтлари ролини оширишга қаратилган чора-тадбирлар.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг минтақавий молия институтлари фаолиятига таъсири.

Халқаро молия институтлари томонидан маблағлари ҳисобидан йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш, улар билан ҳамкорликда юксак технологияларга асосланган замонавий ишлаб чиқаришни ташкил қилиш.



## **V БЎЛИМ. СОЛИҚЛАР ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ**

### **1-мавзу. Солиқларнинг зарурлиги, моҳияти ва функциялари**

Солиқ тушунчаси. Солиқлар ва солиққа тортишнинг шарт-шароити. Солиққа тортишнинг умумий ва хусусий принциплари. Эркинлик, солиққа тортиладиган объект, солиқ қонунчилиги.

Солиқларнинг белгилари. Мажбурий тўловлар. Солиқлар, йиғимлар ва солиқ характериға эға бўлмаган тўловлар. Давлат бюджети даромадларининг таркиби.

Солиқларнинг зарурлиги. Давлатнинг ўз функцияларини бажариши учун молия ресурслари билан таъминлашнинг зарурлиги. Ижтимоий эҳтиёжлар ва «ижтимоий товарлар». Ялпи ички маҳсулотни тақсимлашда солиқларнинг роли.

Солиқларнинг функциялари. Солиқларнинг фискал ва назорат функциялари. Солиқларнинг рағбатлантирувчи, иқтисодиётни тартибға солиш, қайта тақсимлаш функциялари хусусидаги иқтисодий қарашлар.

Солиққа тортиш тамойиллари. Кенг қамровлилик, адолатлик, тенглик тамойиллари.

Горизонтал ва вертикал адолат. Самарадорлик тамойили.

Солиқларни туркумлаш. Солиқларнинг айрим турлари тўғрисидаги назариялар ва унинг йўналишлари. Ягона солиқ назарияси. Эгри ва тўғри солиқларнинг ўзаро нисбати назарияси. Оптимал солиқ ставкаси бўйича ғоялар. Солиқларнинг даромадларни тақсимлашға таъсири. Лоренц эгри чизиғи.

Солиқ юкини енгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш бўйича хўжалик тузилмаларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари.

### **2-мавзу. Солиқ тўғрисида умумий назариялар**

Солиқ назарияси иқтисодий назария фанининг таркибий қисми эканлиги. Солиқ муносабатлари ва уларнинг субъектлари. Солиқ юки ва фаровонликни адолатли тақсимлаш, солиқ ундириш хусусидаги мунозараларнинг муқаррарлиги. Солиқларнинг иқтисодиётдаги роли тўғрисида мунозаралар.

Солиқ муносабатларига хос бўлган иқтисодий қонунлар ва уларни илмий билиш усуллари. Индукция ва дедукция, абстракция, тарихийлик ва мантикийлик, макро ва микроиқтисодий таҳлил, математик, график ва бошқалар. Солиқ назарияси ва давлатнинг солиқ сиёсати.

Солиқлар тўғрисида назарий қарашларнинг йўналишлари. Ўрта Осиёда солиқлар тўғрисидаги қарашлар. Амир Темурнинг солиққа тортиш тўғрисидаги фикрлари. Солиқ тўғрисида классик назария. А.Смит солиқ томоийиллари тўғрисида. Иш ҳақи, фойда, рента ва истеъмол молларига солиқ. А.Лаффер эгри чизиғи.

Солиқларнинг иқтисодиётдаги роли тўғрисида Кейнсча назария. Неоклассик назариялар: монитаристик ва таклиф иқтисодиёти назариялари.

### **3-мавзу. Солиқ сиёсати ва солиқ тизимининг умумий асослари**

Солиқ назарияси ва давлатнинг солиқ сиёсати. Солиқ сиёсатининг ҳуқуқий асослари тушунчаси ва тарихи. Солиқ сиёсатини ишлаб чиқишда давлатнинг роли ва ҳозирги замон солиқ сиёсати. Солиқ механизми ва унинг таркиби. Солиқ сиёсатининг мамлакатда амалға ошириладиган иқтисодий ислохотларға мослашуви. Давлат тузилмаларининг иқтисодиёт соҳасига асоссиз аралашувини камайтириш юзасидан белгиланган вазифаларни амалға оширишда солиқ сиёсатининг тутган ўрни.

Солиқ элементлари. Солиқ субъекти, объекти, манбаси, ставкалари, имтиёзлари, солиққа тортиладиган ва тортилмайдиган даромадлар, солиқ юки, солиқ декларацияси.

Солиқ ставкаларининг турлари. Мутаносиб, прогрессив ва регрессив ҳамда қатъий ставкалар. Уларнинг иқтисодий-ижтимоий аҳамияти. Иқтисодий ўсишни



рағбатлантиришда регрессив солиқ ставкаларининг роли.

Солиқ имтиёзлари. Солиқ имтиёзларининг турлари. Умумий солиқ имтиёзлари. Солиқ имтиёзларини тадқиқ этишнинг назарий муаммолари ва амалий масалалари. Солиқлардан тўлиқ озод этиш. Вақтинча солиқлардан озод этиш. Солиққа тортиладиган базанинг камайтирилиши.

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг принциплари. Солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси принципининг ўзига хос жиҳатлари. Солиқларни ҳисоблаш ва ундириш усуллари. Солиқ декларацияси ва унинг турлари.

Ҳаракатлар стратегиясида солиқ сиёсатини ва солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш йўналишлари. Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концессиясини амалиётга жорий этилишидаги ўзига хосликлар.

#### **4-мавзу. Юридик шахслар тўлайдиган солиқлар**

##### **Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи**

Фойда солиғини тўловчилар. Солиқ объекти. Жами солиққа тортиладиган даромадлар ва уларнинг таркиби. Юридик шахслар молиявий натижаларининг шаклланиши. Маҳсулот сотишдан олинган ялпи тушум. Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда (ёки зарар). Солиқ тўлангунга қадар фойда (ёки зарар). Фойда солиғи базасини аниқлашда чегириладиган ва чегирилмайдиган харажатлар таркиби. Солиққа тортиладиган фойдани аниқлаш тартиби.

Жами солиққа тортиладиган фойдадан чегирмалар бериш тартиби. Банк ва суғурта ташкилотлари бўйича чегирмалар. Фойда солиғидан озод этиладиган юридик шахслар ва уларнинг даромадлари.

Фойда солиғи ставкалари. Дивиденд ва фоизлар бўйича фойда солиғи ставкалари. Норезидент ва чет эл юридик шахсларининг фойдани солиққа тортиш. Солиқ ҳисоботларини тузиш ва топшириш тартиби. Фойда солиғини тўлаш муддатлари. Тугатилаётган юридик шахсларни солиққа тортиш тартиби. Солиқ тўловчи юридик шахсларнинг масъулиятлари.

Мамлакатимиздаги маҳсулот экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашда экспорт ҳажмига мувофиқ фойда солиғи ставкаларини пасайтирилиши.

##### **Қўшилган қиймат солиғи**

Қўшилган қиймат солиғининг моҳияти ва мазмуни. Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш усуллари. Қўшилган қиймат солиғига тортиладиган оборотни аниқлаш.

Солиққа тортиладиган оборотни коррективировка қилиш. Солиқ ставкалари ва уларни қўллаш тартиби. Солиқ бўйича имтиёзлар. Давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи суммасини аниқлаш тартиби. Ҳисобга олинадиган қўшилган қиймат солиғи суммасини аниқлаш тартиби. Ҳисобварақ-фактуралар асосида қўшилган қиймат солиғи ҳисобини юритиш ва солиққа тортиш масалалари.

Ўзбекистон ҳудудига импорт қилинган товар (иш ва хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлашнинг ўзига хос хусусиятлари. Солиқни тўлаш муддатлари. Қўшилган қиймат солиғининг бошқа солиқ турлари билан боғлиқлиги.

Экспортёр корхоналарни рағбатлантиришда қўшилган қиймат солиғининг ноль даражали ставкасининг қўлланиши ва харид қилинган хом ашё учун тўланган қўшилган қиймат солиғи суммаларини бюджетдан қайтарилиш муддатларининг қисқартирилиши.

Соддалаштирилган тартибда қўшилган қиймат солиғига тортиш.



## **Микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови**

Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун соддалаштирилган солиққа тортиш тизимининг зарурлиги ва моҳияти. Соддалаштирилган солиққа тортиш тизимида ягона солиқ тўловини ҳисоблашнинг хусусиятлари.

Ягона солиқ тўлови қўлланилганда айрим солиқларни тўлаш бўйича мажбуриятлар. Ягона солиқ тўлови ставкалари. Микрофирма ва кичик корхоналарда ягона солиқ тўловини қўллаш тартиби. Солиққа тортиш объектлари. Айрим фаолият тури билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар учун белгиланган қатъий солиқ ставкалари.

Ягона солиқ тўловини ҳисоблаш тартиби ва тўлаш муддатлари. Ягона солиқ тўловини тўловчиларнинг жавобгарликлари.

Кичик бизнесни жадал ривожлантиришда соддалаштирилган ягона солиқ тўловининг аҳамияти ва унинг ставкаларини пасайтирилиши.

## **Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини солиққа тортишнинг хусусиятлари**

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ягона солиқ тўловини ҳисоблашнинг ўзига хос хусусиятлари. Солиқ объекти ва солиқ солинадиган база. Улгуржи ва чакана савдо корхоналари ҳамда дорихоналарда солиқ ставкаларининг табақаланиши. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ягона солиқ тўловини ундириш механизми. Солиқ тўлаш муддатлари. Солиқ ҳисоб-китоблари ва ҳисобот бериш тартиби.

Чакана савдо айланмасини оширишда савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини солиққа тортишнинг аҳамияти. Савдо тушумининг банкдан ташқари айланмасини қисқартиришда солиқ назоратининг ўрни.

## **Ишлаб чиқарилган ва импорт қилинган товарларга акциз солиғи ҳисоблаш ва тўлаш тартиби**

Акциз солиғининг моҳияти. Солиқ тизимида акциз солиғининг тутган ўрни. Акциз тўланадиган товарлар рўйхати. Солиқ солиш объекти. Солиқ ставкаси. Акциз солиғи тўлаш тартиби. Акциз маркалари билан маркаланган товарлар бўйича акциз солиғи ҳисоблашнинг ўзига хос хусусиятлари. Импорт қилинадиган акциз тўланадиган товарлар рўйхати.

Солиқ солиш объекти. Акциз солиғи бўйича имтиёзлар. Алкогол ичимликлар, тамаки маҳсулотлари ва бошқа товарларга акциз маркалари қўллашдаги муаммолар.

Акциз солиғини ҳисоблаш тартиби, тўлов ва ҳисобот муддатлари. Солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Акциз солиғининг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари.

## **Ер қаъридан фойдаланганлик учун ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқлар.**

Солиқлар тизимида ер қаъридан фойдаланганлик учун олинадиган солиқнинг тутган ўрни ва роли. Ер қаъридан фойдаланувчилар тўлайдиган солиқлар ва махсус тўловлар. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар, солиқ солиш объекти солиқ солинадиган база. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш ва бюджетга ўтказиш тартиби.

Қўшимча фойда солиғи тўловчилар. Солиқ солинадиган базани аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари. Қўшимча фойда солиғини бюджетга ўтказиш муддатлари.

Бонуслар. Имзоли бонус. Тижоратбоп топилма бонуси. Бонусларни ҳисоб китобини амалга ошириш тартиби. Тижоратбоп топилма бонусни тўлаш муддатлари.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилар ва имтиёзлар. Сув ресурслардан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш тартиби ва тўлаш

муддатлари.



### **Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ**

Мол-мулк солиғи ҳақида тушунча ва унинг келиб чиқиш тарихи. Иқтисодиёт учун мол-мулк солиғининг объектив зарурати. Бюджет даромадларини шакллантиришда мол-мулк солиғининг роли ва ҳиссаси.

Юридик шахсларда мол-мулк солиғининг объектлари. Мол-мулк солиғини ҳисоблаш усуллари ва муаммолари. Кредит ташкилотларида мол-мулк солиғини ҳисоблашнинг ўзига хос хусусиятлари. Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ставкалари ва имтиёзлар. Мол-мулк солиғини тўлаш муддатлари.

### **Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи**

Ер солиғининг моҳияти ва зарурлиги. Унинг солиқлар тизимидаги иқтисодий роли ва ўрни. Ерга бўлган ҳуқуқ. Ер бонитети ва кадастри. Ер солиғини ўрнатиш тамойили ва уни тўловчилар.

Юридик шахсларда ер солиғи объектини аниқлашдаги муаммолар. Ер солиғи ставкаси ва имтиёзлари. Ер солиғини ҳисоблаш тартиби. Қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилар учун ягона ер солиғи. Суғориладиган ерларни баҳолаш. Ягона ер солиғини ҳисоблаш тартиби. Солиқ идоралари назорати.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурини амалга оширишда ер солиғининг рағбатлантирувчи ролини ошириш йўналишлари.

### **Юридик шахслар тўлайдиган бошқа тўловлар ва йиғимлар**

Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига ягона ижтимоий тўловнинг мақсади ва вазифалари. Ягона ижтимоий тўловнинг объекти, ставкаси ва тўлаш, ҳисоблаш, ундириш механизмлари. Маҳсулот ҳажмига нисбатан пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар. Мажбурий ажратма объекти, ставкаси ва ҳисобот топшириш тартиби. Юридик шахслар томонидан товарлар импорт қилинаётганда тўланадиган божхона тўловлар ставкалари ва ундириш механизми.

Товарларнинг айрим турларини сотиш ҳуқуқи учун лицензион йиғимлар. Йиғим ставкалари. Юридик шахсларни рўйхатдан ўтказганлик учун йиғимлар.

Тадбиркорларнинг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ сарф-харажатларини камайтиришда ҳужжатларни расмийлаштириш учун йиғимлар ва улар миқдорининг пасайтирилиши.

### **5-мавзу. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш**

#### **Жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг моҳияти ва аҳамияти**

Жисмоний шахслар томонидан тўланадиган солиқларнинг моҳияти, уларнинг солиқлар тизимида туган ўрни ва роли. Жисмоний шахслардан олинадиган солиқларнинг иқтисодий (фискал) ва ижтимоий аҳамияти.

Солиқ тўловчи жисмоний шахслар – резидентлар ва норезидентлар. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланган солиқ суммаларининг ҳисоби. Жисмоний шахслардан олинадиган солиқларнинг ўсиш суръатлари ва уларни белгиловчи омиллар. Солиқ юки тушунчаси.

Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар ва йиғимлар, уларни жорий этиш ва тартибга солишнинг умумий қоидалари ҳамда уларни такомиллаштириш муаммолари. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида жисмоний шахсларнинг даромадлари ва мол-мулкларини солиққа тортиш принциплари ҳамда уларни амалга ошириш.

#### **Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи**

Меҳнат ҳақи шаклида олинадиган даромадлар таркиби. Солиққа тортиладиган





даромадни аниқлаш тартиби. Солиқ ставкалари ва шкалалари. Даромад солиғи суммасини ҳисоблаш тартиби. Асосий иш жойидан ташқарида олинадиган даромадлар ва уларни солиққа тортиш. Жисмоний шахсларга даромадлар тўланган манбадан солиқларни ушлаб қолиш ва уни Давлат бюджетига ўтказиш тартиби. Жисмоний шахсларнинг меҳнат ҳақи шаклида олинадиган даромадлари бўйича солиқ имтиёзлари. Солиқлардан озод қилинган жисмоний шахсларнинг даромадлари. Жисмоний шахсларнинг солиққа тортилмайдиган даромадлари. Хорижий жисмоний шахсларни ва норезидентларни солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари.

Тадбиркорлик фаолиятдан олинадиган даромадларнинг таркиби. Мулкий даромадлар: фойзалар, дивидентлар, мулкни ижарага беришдан олган даромадлар, патент эгаси бўлган жисмоний шахс уни сотишдан олган даромади, қимматли қоғоз реализация қилишдан тушган даромад, солиқ ва мажбурий тўловлар тўлагандан кейин хусусий корхона эгаси ихтиёрида қоладиган фойда, роялти. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар даромадини солиққа тортиш. Солиқ ставкалари ва уларни такомиллаштириш масалалари. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларда қатъий солиқ ставкалари, солиқ ставкаларини солиққа тортишнинг адолатлилиги тамойилига мослаштириш. Солиқни тўлаш тартиби.

Йиллик даромад ҳақидаги декларацияни тақдим этувчи жисмоний шахслар тоифаси. Декларация тақдим этувчи чет эл фуқаролари. Йиллик умумий даромад таркибига киритилувчи даромадлар. Солиққа тортилувчи даромаддан чегирмалар ва жисмоний шахслар даромадларига солинадиган солиқ имтиёзлари. Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи тўлашдан озод этиладиган жисмоний шахслар. Йиллик даромад ҳақидаги декларация бланklarининг шакли. Солиқ тўловчининг йил давомида олинадиган даромадларининг ҳисобини юритиш. Декларацияни тўлдириш тартиби. Солиқ тўловчининг мажбуриятлари.

Жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ ставкаларини камайтириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар асосида аҳолининг ялпи ва реал даромадлари ошиши ва унинг харид қобилиятини барқарор суръатларда ўсиши.

### **Жисмоний шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ**

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкидан ундириладиган солиқ ставкаси ва имтиёзлари. Мол-мулк солиғи тўловчи жисмоний шахсларни ҳисобга олиш тартиби ва муаммолари. Жисмоний шахслар тўлайдиган мол-мулк солиғини ундириш, ҳисоблаш ишларини ташкил этиш ва юритиш муаммоларини ҳал этиш.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби. Жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи объектини аниқлаш масалалари ва қайта кўриб чиқиш тартиби. Солиқ тўловчиларнинг масъулиятлари ва уларнинг шикоятларини кўриб чиқиш тартиби. Солиқ ундириш устидан назорат.

### **Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи**

Ер солиғи ставкалари. Жисмоний шахслар учун ер солиғи солинадиган объектлар. Жисмоний шахслар бўйича ер солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби. Ер солиғи бўйича имтиёзлар. Имтиёз ҳуқуқининг татбиқ этилиш ва бекор қилиниш тартиби. Ер солиғи тўловчи жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

### **Жисмоний шахслар томонидан тўланадиган бошқа солиқлар ва йиғимлар**

Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқни жисмоний шахслардан олинадиган солиқни тўлаш ва ҳисоблаш. Унинг афзалликлари ва камчиликлари. Илгари амалда бўлган жисмоний шахслар тўлайдиган транспорт солиғига нисбатан қулайликлари ва уни такомиллаштириш. Солиқ тўловчи субъектлар. Солиққа тортиш объекти ва солиқни тўлаш манбалари. Жисмоний шахслар тўлайдиган бюджетдан ташқари мажбурий ажратмалар, ҳисоблаш





тартиби.

Савдо-сотик қилиш ҳуқуқи учун йиғим ва унинг тўловчилари. Чакана савдо шаҳобчалари. Савдо-сотик қилиш ҳуқуқи учун гувоҳнома ва унинг берилиш муддати. Йиғим ставкаси.

Жисмоний шахслар томонидан товарлар импорт қилинаётганда тўланадиган божхона тўловлар ставкалари ва ундириш механизми.

Айрим турлардаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар ва уларни бериш тартиби. Лицензия йиғимларнинг тўловчилари.

Аҳолини турмуш даражасини янада оширишда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаларини унификациялашнинг аҳамияти.

Биоларни ижарага бериш тарифлари тадбиркорлик субъектларининг жойлашган ўрни ва уларнинг фаолият турига қараб солиқ белгиланиши.

# VI БЎЛИМ. ИНВЕСТИЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАР (ЛОЙИХАЛАР)НИ МОЛИЯЛАШТИРИШ



## 1-мавзу. Инвестиция ва инвестицион фаолият асослари

Инвестицияларни мазмуни, иқтисодий моҳияти ва аҳамияти. Инвестицияларнинг таснифи ва шакллари. Инвестиция фаолияти субъектлари ва объектлари. Инвесторлар ва уларни мақсадлари. Яқка тартибдаги инвесторлар, институционал ва профессионал инвесторлар. Инвестициялаш мақсадлари, амалиётда уларни уйғунлашуви. Инвестиция портфели. Инвестицияларни бошқариш.

Инвестицион маблағларни шакллантириш тамойиллари. Реал ва молиявий инвестициялар, уларнинг ўзаро боғлиқлиги.

## 2-мавзу. Инвестицион фаолиятини ташкил этиш тамойиллари, таркиби ва уни тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари

Инвестицион ҳуқуқ тушунчаси ва инвестиция қончилиги. Инвестицион фаолият ҳуқуқий асосларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Инвестицион фаолиятни ривожланишида давлатнинг роли. Инвестицион фаолиятни тартибга солиш объектлари ва қонунчилик. Инвестицион фаолиятни тартибга солиш субъектлари. Инвестицион фаолият соҳасидаги қонунчиликни шакллантиришнинг асосий тамойиллари. Инвестицион фаолиятни тартибга солиш соҳасидаги муносабатлар ва уларнинг хусусиятлари. Ўзбекистон Республикасида инвестицион фаолият соҳасидаги қонунчиликнинг таркибий тузилиши. ЎЗР Конституцияси, ЎЗР Фуқаролик кодекси ва инвестицион фаолият соҳасидаги бошқа қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.

## 3-мавзу. Инвестиция муҳити, унинг ташкил этувчи кўрсаткичлари, ўлчовлари ва параметрлари

Инвестиция муҳити тушунчаси. Инвестиция муҳитини тавсифловчи кўрсаткичлар. Инвестиция муҳитини баҳолаш параметрлари. Инвестиция муҳити Жаҳон банки нигоҳида. Инвестиция муҳитини аниқловчи омиллар. Инвестиция муҳити кўрсаткичлари. Жаҳон банки томонидан инвестиция муҳитини баҳолаш. Марказий осие давлатлари инвестиция муҳитини Жаҳон банки томонидан таҳлили.

Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар. Республикамизда инвестицион муҳитни янада яхшилаш, имтиёзлар ва преференциялар бериш.

## 4-мавзу. Инвестицион сиёсат

Инвестиция сиёсатининг назарий жиҳатлари. Чет эл инвестицияларини мамлакат иқтисодиётига таъсири. Инвестиция ва ташқи савдо сиёсатини ўзаро боғлиқлиги (импорт ўрнини босувчи ва экспортни рағбатлантирувчи). Асосий воситалар ва мамлакатнинг иқтисодий ривожланишидан келиб чиқиб инвестиция сиёсатини тавсифланиши. Капитал оқимларини кириб келиши ва чиқиб кетиши устидан давлат назорати самарадорлиги. Асосий инвестицион режимлар. Чет эл инвесторларига давлат кафолатлари. Давлатнинг тартибга солиш воситалари. Чет эл капитали кириб келишини рағбатлантирувчи йўналишлар. Хорижий ва миллий инвесторларга бериладиган солиқ, молиявий ва бошқа имтиёзлар.

Хўжалик субъектларининг актив ва пассив инвестиция сиёсатлари. Инвестицияларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш бўйича келишувлар ва шартномалар. Худудий инвестиция шартномалари. Чет эл инвестицияларини худудий даражада тартибга солиш. Эркин савдо зоналарини барпо этиш. Ўзаро капиталларни тўлиқ ва қисман эркинлаштириш. ХВФ ва Жаҳон банки инвестицияларни тартибга солиш тизимида Жаҳон савдо ташкилоти доирасидаги халқаро инвестиция



шартномаси.

Йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, ишлаб чиқариш ва коммуникация объектларини, қишлоқ хўжалиги ҳамда мелиоратив қурилишни ривожлантириш ҳамда ижтимоий соҳани янги босқичга кўтариш, фаол инвестиция сиёсати ва уни амалга ошириш бўйича белгиланган вазифалар.

### **5-мавзу. Халқаро инвестиция бозорининг мазмуни, таснифи ва фаолият юритиш механизмлари**

Халқаро инвестицияларнинг объекти, вазифалари ва функциялари. Халқаро инвестицияларнинг турлари ва асосий воситалари. Вальрас модели. Халқаро капитал ҳаракати шакллари. Халқаро инвестиция оқимлари ва бозорлари. Халқаро инвестиция бозори ва унинг сегментлари. Халқаро инвестициялаш қоидалари. Молия бозори конъюнктураси тушунчаси, таркиби, уни тадқиқ этиш тамойиллари. Халқаро инвестиция бозорининг турли институтлари таснифи, тамойиллари, вазифалари ва фаолият юритиш механизмлари. Халқаро корпорация шакллари. Халқаро молия институтлари.

Тараққий этган мамлакатлардан инвестициялар жалб қилиш кўламини кенгайтириш.

### **6-мавзу. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш муаммолари ва уларнинг самарадорлигини ошириш йўллари**

Молия бозорида маҳаллий ва хорижий инвесторлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, рағбатлантириш борасидаги давлат сиёсати ва Қонунчилик базаси (жумладан, қимматли қоғозлар бозорида). Тўғридан-тўғри халқаро инвестицияларни турлари ва уларнинг амал қилиш тамойиллари (Лицензион келишувлар, франчайзинг, лизинг, толлинг). Тўғридан-тўғри инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлиги ва ҳажмини баҳолаш. Хусусийлаштириш объектларига инвестицияларни жалб қилиш ва кўшма корхоналар ташкил этиш. Ўзбекистоннинг базавий саноат тармоқлари корхоналарини хусусийлаштириш воситасида стратегик хорижий инвесторларни жалб қилиш муаммолари. Хорижий инвесторларга сотиладиган объектларни танлаш тамойиллари. Тўғридан-тўғри инвестицияларни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши. Ўзбекистон корхоналари бошқарув тизимида корпоратив бошқарув тамойилларини жорий қилиш.

Халқаро молия институтлари инвестицияларини иқтисодиётнинг реал секторига жалб этиш ва улар асосида юксак технологияларга асосланган замонавий ишлаб чиқариш қувватларини шакллантириш.

### **7-мавзу. Инвестицияларни молиялаштириш тамойиллари, усуллари ва услубиётлари**

Инвестицияларни молиялаштириш тартиблари ва усуллари. Капитал инвестицияларни молиялаштириш тамойиллари: мақсадга мувофиқ молиялаштириш; муддатли молиялаштириш; инвестицион қарорлар асосида молиялаштириш; танланган усуллар асосида молиялаштириш; инвестициялашда вақт омилини ҳисобга олган ҳолда молиялаштириш; лойиҳа пул оқимларидан келиб чиқиб молиялаш. Молиялаштиришни давлат ва бозор механизмлари. Инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг аралаш усули.

Молиялаштиришни ташкилий шакллари. Қайтариш ва қайтарилмаслик шартлари асосидаги давлат кредитлари. Давлатнинг ташқаридан жалб этиладиган маблағлари, қарзлари ва инвестицион лойиҳаларни молиялаштирилиши.

Нодавлат пенсия фондлари. Суғурта ташкилотлари инвестор сифатида. Инвестиция фондлари ва компаниялари.

Кредитлар эвазига молиялаштириш. Инвестицион лойиҳаларни



молиялаштиришдаги кредитларнинг таснифи. Банк кредитининг асосий шакллари. Ўзбекистонда кредит тизимини ташкил топиши ва ривожланиши. Банкларнинг инвестиция фаолияти. Капитал қўйилмаларни узоқ муддатли кредитлаш.

Инвестицион лойиҳаларни синдициялашган кредит ҳисобига молиялаштиришни ташкил этиш. Синдициялашган кредитлашни амалга ошириш учун банк синдикатини ташкил этиш тартиби. Кредитларни расмийлаштириш тартиби. Синдициялашган кредитлаш, унинг ҳисобини юритиш, мониторингини олиб бориш ва уни қайтариш тартиби.

Молиялаштиришни лизинг усули, халқаро лизинг. Лизингни қўллаш афзалликлари. Лизинг инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш манбаи сифатида.

Венчур капитали. Венчур капиталининг омили тавсифлари. Венчур капиталининг юқори рискли муҳитда ишлатилиши. Венчур капиталининг манбалари.

Тижорат банкларининг узоқ муддатли инвестицион кредитлари ҳажмини ошириш, корхоналар томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш бўйича белгиланган вазифалар.

### **8-мавзу. Инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш**

Капиталнинг қиймати. Капиталнинг муқобил қиймати. Капитални ташкил этувчи элементлар қиймати. Инвестицион ресурсларнинг ўртача тортилган қиймати. Капитал қийматини ўртача тортилган нархи. Капиталнинг маржинал қийматини фирма инвестиция фойлига таъсири.

Инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш тамойиллари. Лойиҳа самарадорлигини ҳисоблашда дастлабки маълумотлар. Инвестицион қарорлар самарадорлигининг мезонлари. Инвестицион лойиҳалар самарадорлигининг баҳолаш кўрсаткичлари. Лойиҳа самарадорлигини баҳолаш. Инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолашда рисклар ва ноаниқликлар таъсири. Инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолашнинг дастурий таъминоти. Инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолашда вақт омили ҳисоби. Инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолашнинг хориж тажрибаси ва уни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари.

Инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолашнинг статистик ва динамик турлари. Лойиҳавий таҳлил воситалари. Инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолашнинг дисконтлашга асосланган концепцияси. Турли кўрсаткичларни қўллаш соҳалари ва шартлари. Инвестицион лойиҳаларни ижтимоий самарадорлигини баҳолаш.

### **9-мавзу. Инвестицион лойиҳалар концепцияси ва уни бошқариш асослари**

Лойиҳа тушунчаси ва лойиҳалар тавсифи. Инвестицион лойиҳа тушунчаси, мақсади ва таркиби. Лойиҳаларни таснифлаш: йирик ва кичик, ички ва ташқи, техник ва нотехник, иқтисодий ва ижтимоий. Лойиҳа иштирокчилари. "Лойиҳани бошқариш" тушунчаси, лойиҳаларни бошқаришнинг инвестицияларни бошқариш ва унинг функционал бошқаруви билан ўзаро боғлиқлиги. Лойиҳаларни бошқаришнинг асосий тушунчалари таснифи.

Стратегик аҳамиятга эга бўлган инвестиция лойиҳалар, стратегик тармоқлар ва йирик корхоналарнинг узоқ муддатли техника сиёсати нуқтаи назаридан ишлаб чиқиладиган янги лойиҳаларни амалга оширишнинг муддатлари ва шартларини мувофиқлаштириш йўналишлари.

### **10-мавзу. Инвестицион лойиҳаларни тайёрлаш ва молиялаштириш**

Инвестицион давр, мазмуни ва лойиҳани ишлаб чиқиш босқичлари. Лойиҳани тайёрлаш даври босқичлари. Лойиҳа концепциясини ишлаб чиқиш. Лойиҳанинг инвестицион ғоясини шакллантириш. Инвестицион лойиҳа вариантларини ишлаб



чиқиш. Лойиҳанинг ҳаётийлик даври: инвестициялашдан олдинги, инвестиция даври ва эксплуатация фазаси. Лойиҳанинг дастлабки режаси. Инвестициядан олдинги тадқиқотлар. Лойиҳа ҳаётийлигини баҳолаш. ТИАни келишиш ва тасдиқлаш тартиби.

Лойиҳавий молиялашнинг моҳияти, шакллари ва усуллари. Лойиҳавий молиялашнинг реал инвестицияларни анъанавий кредитлашдан фарқи. Хорижда лойиҳавий молиялаш. Лойиҳавий молиялашнинг асосий шакллари ва схемалари. Параллел ва кетма-кетлик молиялаш асосида лойиҳавий молиялаш.

Лойиҳавий молиялаштиришда эътиборни тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишга қаратиш, инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишда ички манбаларни сафарбар қилиш ҳажмини ошириш.

### **11-мавзу. Ташкилий моделлаштиришни автоматлаштиришни замонавий усуллари ва лойиҳани амалга ошириш ва яқунлаш устидан назорат**

Лойиҳани бошқаришни ташкил этишнинг мақсадлари. Режалаштириш ва бошқаришнинг ташкилий даражалари. Лойиҳа амалга оширилиши юзасидан мониторинг. Яқунланган қурилиш объектларини фойдаланишга қабул қилиш. Лойиҳа самарадорлигини ҳисоблаш учун зарурий маълумотлар. Реал инвестициялар самарадорлигини баҳолаш усуллари. Лойиҳаларни бошқаришнинг замонавий усуллари ва дастурий таъминотлари (PROJECT EXPERT, COMFAR, PROSPIN, «Аль-Инвест», «Инвестор 4.1» пакетлари).

### **13-мавзу. Инвестицион рискларни баҳолаш**

Молия бозори конъюнктураси тушунчаси, таркиби, уни тадқиқ этиш тамойиллари. Инвестиция ликвидлигини баҳолаш. Қимматли қоғозлар бозорида маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш. Биржа бозори конъюнктурасини техник таҳлили хусусиятлари. Банклараро кредитлар ва захира фондлари. Валюта опционлари ва фьючерслари, форвард битимлари. Банклараро своп операцияси. Лойиҳа рискни таҳлил қилишнинг моҳияти. Лойиҳадаги риск турлари. Лойиҳа рискларини тадқиқ қилиш усуллари таснифи. Лойиҳа рискларини баҳолаш. Лойиҳаларни молиялаштиришда рискларни ҳисобга олиш. Инвестицион портфелни шакллантириш механизми. Маблағларни инвестициялаш йўналишини танлаш.

Инвестицияларни молиялаштириш самарадорлигини ошириш, корхоналарнинг инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда тижорат банклари ресурсларидан фойдаланишини кучайтириш.

Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда иштирок этувчиларнинг иқтисодий манфаатдорлигини таъминлашнинг долзарб масалалари.

### **14-мавзу. Лойиҳа рискларини таҳлил қилиш ва баҳолаш**

Лойиҳа рискларини аниқлаш. Лойиҳа рискни баҳолашни амалга ошириш учун зарурий ҳаракатларни белгилаш. Риск тўғрисида маълумотларни ҳужжатлаштириш. Риск назорати. Кутилмаган рисклар. Кўзда тутилмаган харажатларни қоплаш учун маблағларни захиралаш. Капитал қўйилмалар рискни баҳолаш учун молиявий таҳлил воситалари.

Лойиҳа рискларининг миқдорий таҳлили. Рискни миқдорий баҳолашга умумметодик ёндашувлар. Лойиҳа рискларини таҳлил қилиш усуллари. Рискни эксперт таҳлили. Дельфи методи. «Монте Карло» усули. Мастер риск. Риск шкаласи ва уни тебранишининг тавсифи. Рискни миқдорий баҳолаш учун фойдаланиладиган махсус кўрсаткичлар.

### **15-мавзу. Давлат-хусусий сектор ҳамкорлигини ташкил этиш асослари**

Инвестиция фаолиятида давлат-хусусий сектор ҳамкорлигининг юзага келиши ва ривожланиши. Давлатнинг хусусий бизнес билан ҳамкорлик муносабатлари мазмун-моҳияти. Давлат-хусусий сектор ҳамкорлигида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг ташкилий-ҳуқуқий тузилиши ва унинг асослари. Концессия тўғрисидаги қонунга асосан танлов (тендер) жараёнлари. Танлов ҳужжатларини тайёрлаш ва танлов қатнашчилари таклифларини баҳолаш мезонлари. Коммунал, транспорт ва энергетика инфратузилмаси соҳасида давлат-хусусий сектор ҳамкорлигини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий асослар. Давлат ва тадбиркорлик тузилмалари ҳамкорлигининг асосий шакллари ва уларнинг хусусиятлари. Хорижий мамлакатларда давлат-хусусий сектор ҳамкорлигини бошқаришнинг модел ва механизмлари.



## **VII БЎЛИМ. СУҒУРТА НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ**



### **1-мавзу. Суғурта назарияси**

Суғурта ҳақида тушунча. “Суғурта” атамасининг мазмун моҳияти. Суғуртанинг ўзга хос хусусиятлари. Суғурта иқтисодий категория сифатида. Суғуртанинг функциялари. Суғуртанинг келиб чиқиши. Суғурта фондлари, уларнинг шаклланиши ва фойдаланиш йўналишлари.

Суғуртада риск тушунчаси. Суғуртанинг гурухланиши. Суғуртада риск менежменти. Суғурта шартномаси. Суғурта полиси. Суғурта маҳсулоти товар сифатида. Суғурта тарифи. Суғурта мукофоти суғурта хизмати ҳақи. Суғурта ташкилотлари. Суғурта ташкилоти молияси. Суғурта бозори ва унинг ривожланиш босқичлари. Суғуртада назорати ва мониторинги.

### **2-мавзу. Суғурта фаолиятининг ташкилий асослари**

Суғуртанинг келиб чиқиши. Суғурта заҳираларини шаклланиш усуллари. Суғурта муносабатларида қатнашувчи томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Суғурта ҳуқуқи ва унинг мазмуни. Суғурта қонунчилиги ва унинг таркибига кирувчи асосий қонунчилик ҳужжатлари. Умумий суғурта қонунчилиги. Махсус суғурта қонунчилиги.

Суғурта қонунчилигида Фуқаролик Кодексининг тутган ўрни ва аҳамияти. Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни: унинг тузилиши ва мазмуни. Суғурта ташкилотларининг устав капитали.

Суғурта тарифи ва унга таъсир этувчи омиллар. Суғурта тариф ставкаси. Суғурта суммаларининг зарарлилик кўрсаткичи. Худудлар ва объектларга қараб суғурта тарифларини табақалаштириш.

### **3-мавзу. Суғуртанинг асосий турлари ва уларни ташкил этиш хусусиятлари**

Суғурта фаолияти классификатори ҳақида тушунча. Суғурта фаолияти классификаторига умумий тавсиф. Умумий суғурта тармоғи ва унга оид асосий суғурта класслари. Ҳаёт суғуртаси ҳақида тушунча. Ҳаёт суғуртасининг асосий турлари. Ҳаёт суғуртаси шартномаларини тузиш. Аннуитет ва рента. Суғурта тарифларини ҳисоблашда актуар ҳисоб-китоблар.

Мулкий суғуртанинг моҳияти. Суғурта объекти ва субъектлари. Суғурта тарифини ҳисоблаш. Ўзбекистон Республикасида транспорт воситалари эгаларининг учинчи шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш. Хорижий автотранспорт воситалари эгаларининг учинчи шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш. Касбий жавобгарлик суғуртаси.

### **4-мавзу. Суғурта компаниясининг молиявий асослари**

Суғурталовчи молияси. Суғурта ташкилоти айланма маблағларининг ўзига хос хусусиятлари, суғурталовчи молиявий барқарорлигининг асоси, устав капитали ва уни шакллантириш тамойиллари. Суғурталовчи ўз капитали тушунчаси, қарз капиталлар ва унинг таркиби, суғурта ташкилотлари ресурслари шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари, суғурта ташкилоти молиявий натижаси шаклланишининг ўзига хос жиҳатлари.

Суғурта заҳираларини инвестиция объектларига жойлаштириш. Суғурта заҳираларини айрим объектларга инвестиция қилишга йўл қўйилмаслиги. Суғурталовчининг инвестиция портфели. Суғурта заҳираларини жойлаштириш қоидалари. Суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш.

### **5-мавзу. Ўзбекистонда суғурта бозори**





Суғурталовчи ва суғурталанувчи ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда суғурта бозорининг профессионал қатнашчиларининг роли. Ўзбекистон суғурта бозори ривожланишида суғурта бозори инфратузилма субъектларининг фаолиятини йўлга қўйиш ва уни такомиллаштириш йўналишлари.

Суғурта бозорни шаклланишини шартлари. Давлатни молиявий тизимида суғуртани ахамияти ва ўрни. Суғурта хизматларни сотувчилари ва харидорлари. Суғурта бозорни такомиллаштиришда давлатнинг ўрни.

Суғурта бозорни тузилиши. Суғурта бозорларни таснифлаш. Ривожланган давлатларда суғурта бозорини тузилиши. Ўзбекистонда суғурта бозорини тузилиши. Суғурта бозорни асосий профессионал иштирокчилари: суғуртачилар, суғурта воситачилари, суғурта сюрвейерлар, аджастерлар, актуарийлар, ассистанс.

### **6-мавзу. Суғурта ташкилотининг инвестиция фаолияти**

Суғурта захиралари ва бошқа вақтинча бўш турган маблағларни инвестиция қилиш. Инвестицияларнинг объектлари ва турлари. Суғурта захираларини инвестиция объектларига жойлаштиришнинг асосий тамойиллари. Суғурта захираларини жойлаштириш қоидалари ва уни тартибга солиш механизмлари.

Инвестицион жараён иштирокчиларининг мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилишда тижорат асосида фаолият кўрсатадиган суғурта компанияларининг иштирок этиш имкониятлари. Инвестицион рискларни суғурталаш билан шуғулланадиган суғурталовчиларга қўйиладиган талаблар. Инвестицион жараён иштирокчиларининг мол-мулки, жавобгарлиги ва тадбиркорлик рискларини суғурталаш.

### **7-мавзу. Суғурта ташкилотларида маркетинг ишини ташкил этиш**

Суғурта компанияларининг ривожланишида маркетингнинг ўрни ҳамда ахамияти. Суғурта компаниялари фаолиятида маркетинг муносабатларини шаклланиш ва ривожланиш бошқичлари. Суғурта компаниялар фаолиятининг ривожланишида маркетингнинг муҳим ўрин тутиши. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда маркетинг - корхонанинг келажакда равнақ топиши ва яшашининг зарурий шarti сифатида тан олинishi.

Суғурта маркетингида ишлатиладиган асосий атама ва тушунчалар. Маркетинг стратегияси ҳақида тушунча. Суғурталовчининг маркетинг стратегиясини ташкил этувчи жиҳатлар. Ҳозирги суғурта ташкилотлари маркетинг стратегиясининг асосий йўналишлари. Суғурта хизматлари рекламаси. Суғурта маҳсулотларини сотиш тизими. Маркетинг ишларини режалаштириш. Суғурта компаниялари маркетингларининг асосий функцияси ва вазифалари.

Суғурта маркетингининг услублари. Истеъмолчиларининг ҳатти - ҳаракатини ўрганиш. Суғурта бозоридаги рақобат ҳолати. Суғурта бозори ҳақида маълумотларни тўплаш ва таҳлил этиш усуллари. Суғурта бозорини сўровномалар асосида ўрганиш. Суғурта бозорини сифат нуқтаи назаридан таҳлил этиш.

### **8-мавзу. Ташқи иқтисодий фаолият суғуртаси**

Ташқи иқтисодий фаолият суғуртасининг моҳияти ва функциялари. Суғурта компанияларининг халқаро йўналишдаги фаолиятини ривожланиши. Халқаро суғурта ҳамжамиятлари ва улар билан ҳамкорлик қилиш йўллари. Ташқи иқтисодий фаолият суғуртасининг ривожланиши ва суғуртанинг турлари.

Халқаро иқтисодий фаолиятни бошқаришда суғурталаш турлари. Ташқи иқтисодий фаолиятда суғурта рисклари ва уларнинг таснифи. Чет эл инвесторлари билан боғлиқ рисклар. Ташкилий-технологик рисклар. Сиёсий рисклар, ҳарбий рисклар, давлат бошқарув органлари билан боғлиқ рисклар.

Ташқи иқтисодий фаолиятда савдо юқларини суғурталаш. Ташқи иқтисодий фаолиятда экспорт кредитларини суғурталаш. Ташқи иқтисодий фаолиятда инвестиция

билан боғлиқ рискни суғурталаш. Ташқи иқтисодий фаолиятда бошқа суғурта турлари ва уларнинг шартлари.



## ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР



1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. - 48 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. - 103 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. - 56 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
6. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Дарслик. – Т.: “Иқтисод-Молия”, 2017. – 732 б.
7. Азизов У.Ў. Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ошишини таъминлашда монетар ва фискал дастаклар таъсири – Т.: Иқтисод-Молия, 2013. Монография. – 93 б.
8. Атаниязов Ж., Алимардонов Э. Халқаро молия муносабатлари. – Т.: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти”, 2014. - 432 б.
9. Бобакулов Т. ва бошқ. Халқаро валюта операциялари ва ҳисоб-китоблар. Дарслик. – Т.: “Иқтисод-Молия”, 2018. - 148 б.
10. Бутиков И. Л. Қимматли қоғозлар бозори. -Тошкент: Консадитинформ, 2001.
11. Ваҳобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. Дарслик. -Т.: Шарк, 2009. – 526 б.
12. Ваҳобов А., Маликов Т. Молия. Дарслик. Т.: Ношир, 2011 й. -712 б.
13. Гадов Э.Ф. ва бошқ. Юридик шахсларни солиққа тортиш: Дарслик. 2-нашр. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2017. – 616 б.
14. Жўраев А. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. -Т.: Фан, 2004. - 243 б.
15. Жўраев А., Усманова М. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш. Ўқув қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 216 б.
16. Исаков Ж.Я. Банк рисклари – Т.: Иқтисод-Молия, 2017. Ўқув қўлланма. – 99 б.
17. Лаврушина О.И. «Новые модели банковской деятельности в современной экономике» монография/ коллектив авторов. –М.: КНОРУС, 2015. – 168 с.
18. Лаврушина О.И. «Устойчивость банковской системы и развитие банковской политики» монография/ коллектив авторов. –М.: КНОРУС, 2014. – 280 с.
19. Маликов Т.С., Хайдаров Н.Х. Молия: умумдавлат молияси. Ўқув қўлланма. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2009. - 556 б.
20. Маматов Б.С., Хўжамқулов Д.Ю., Нурбеков О.Ш. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2014. – 608 б.
21. Носиров Э. ва бошқ. Инвестиция рискларини бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технология, 2011. – 148 б.
22. Ольхова Р.Г. «Банковское дело: управление в современном банке» учебное пособие. —М.: КНОРУС, 2015. – 282 с.
23. Омонов А.А. Тижорат банкларининг молиявий ресурсларини бошқариш. Т.: «Фан ва технология», 2010. –248 б.
24. Rashibov O.Yu., I.I. Alimov, I.R.Toymuhamedov, R.R. Tojiev. Pul, kredit va banklar.Darslik. – Т.: TDPU, 2011. – 328 б.
25. Рубцов Б. Современные фондовые рынки: Учебное пособие для вузов. —



М.: Альпина Бизнес Букс, 2007. — 926 с.

26. Тошмуродова Б., Элмирзаев С., Турсунова Н. Молиявий менежмент. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2017. – 338 б.

27. Хабибуллаев И. Иқтисодий математик усуллар ва моделлар. Ўқув қўлланма. - Т.: “Тафаккур бўстони”, 2012. – 112 б.

28. Шеннаев Х.М. Ўзбекистон суғурта бозори. Ўқув қўлланма. - Тошкент, 2013. - 260 б.

29. Шеннаев Х.М., Очилов И.К., Широшов С.Э., Кенжаев И.Ғ. Суғурта иши. Ўқув қўлланма. - Тошкент, 2014. - 247 б.

30. Шеннаев Х.М., Халикулова Г.Т., Абдурахмонов И.Х. Ташқи иқтисодий фаолият суғуртаси. Дарслик. - Тошкент, 2014. - 110 б.

31. Элмирзаев С. Корпоратив молия. Ўқув қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 256.

32. Элмирзаев С. Корпоратив молия. Дарслик. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2019. – 364 б.

33. Элмирзаев ва бошқ. Молия бозори. Дарслик. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2019. – 324 б.